

ШАРТНОМА № 1711

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни дорин воситаларини ва тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳақида.

“17.11” 2016 йил

Қўқон шаҳри.

Ушбу шартнома бир томондан келгусида «Таъминотчи» деб аталадиган бошқарув раиси М.А.Турсунов вакилликдаги «Фарғона Дорин-Дармон» акциядорлик жамияти ва иккинчи томондан келгусида «Истеъмолчи» деб аталадиган раҳбар _____

(раҳбар Ф.И.О.си)

вакилликда _____

(юридик шахс номи)

ўртасида ҳар икки томоннинг амалдаги «Низом»лари ва Ўзбекистон Республикасининг ФК ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базасини тўғрисида»ги Қонунга, шунингдек бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ куйидаги мазмунда тузилди:

1. Шартнома предмети.

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га ушбу шартномага асосан умумий қиймати 100 000 000 (Ўзбекистон Республикаси Директори) сўм (сумма рақам ва сўз билан ёзилган) _____

булган дорин воситаларини ҳамда тиббий буюмлар (келгусида «Товар» деб номланади)ни спецификацияга асосан бир маротабалик ёки йиллик талабнома асосида етказиб беради.

1.2. «Истеъмолчи» эса уз навбатида ушбу «Товар» лар учун келишилган ҳақни шартноманинг 3-бўлимида белгиланган шартлар асосида «Таъминотчи»га тўлайди.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Истеъмолчи» томонидан «Товар» умумий нархининг 15 фоизи «Таъминотчи»нинг ҳисоб рақамига олдиндан туланган сунг «Таъминотчи» «Истеъмолчи» ни «Товар» билан таъминлайди.

2.1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га тегишли ҳужжатлар асосида «Товар» ни белгиланган тартибда ҳамда белгиланган стандарт сифат даражасида топшириш мажбуриятини олади.

2.1.3. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га қулайлик яратиш мақсадида «Товар»ни уз транспорт воситаларида «Истеъмолчи»нинг манзилгоҳига етказиб бериш мумкин. Бу ҳолда транспорт воситасини орқали етказиб бериш харажати «Таъминотчи» томонидан қопланади.

2.1.4. «Таъминотчи»нинг транспорт воситасида етказилган «Товар»нинг микдоридан аниқланган камомад ҳамда сифатсизликлар юзасидан «Истеъмолчи» «Таъминотчи»нинг вакили иштирокида «Товар» етказилган кундаёқ далолатнома тузиб ҳолатини тасдиқлайди. Мазкур далолатномага асосан камомад ҳисоби «Таъминотчи» томонидан тулдирилади. Агарда ушбу харажатлар уз вақтида амалга оширилмаса эътироз асосида деб ҳисобланиб, инобатга олинмайди.

2.1.5. «Таъминотчи» Соғлиқни сақлаш тизмидаги юқори ташкилотлар тасдиқлаган марказлашган тақсимоғи орқали дорин воситаларини ва мурувват ёрдамларидан келган «Товар»лар билан «Истеъмолчи»ни таъминлайди. Тақсимоғини тасдиқлаган ташкилотнинг руҳсатсиз «Истеъмолчи» «Товар» ни олишга ҳақли эмас. Транспорт харажатлари «Истеъмолчи» томонидан қопланади.

2.2. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»дан шартнома тузилгандан сунг етказиб берилиши лозим булган «Товар» учун уларнинг умумий қийматининг 15 фоизини олдиндан тулаган ҳолда тегишли ҳужжатлар асосида қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

2.2.2. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» дан Ўзбекистон Республикаси фармокологик руйхатдан утказилиб, ишлатишга руҳсат этилган, сифати, маркировка ва урамлари амалдаги фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга булган «Товар»ларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Етказиб берилган «Товар» сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмаса, «Истеъмолчи» «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базасини тўғрисида» ги Қонунининг 26-моддасига мувофиқ «Товар» ни қабул қилишни ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Таъминотчи» дан сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмайдиган «Товар» қийматининг 20 фоизи микдоридан жарима ундиришга ҳақли.

2.2.3. «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи»га йиллик берилган буюртмаларни «Истеъмолчи» ушбу шартноманинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ олиши шарт. Аке ҳолда «Истеъмолчи»дан Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базасини тўғрисида» ги Қонунининг 31-моддасига мувофиқ олинмай қолган (олиш асосида рад этилган) «Товар» суммасининг 5 фоизи, тез бузиладиган «Товар» лар буйича эса 10 фоизи микдоридан жарима ундирилади.

2.2.4. «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи»га йиллик берилган буюртмаларни етказиб беришни «Таъминотчи» асосида равишда кечиктирса, кечиктирилган ҳар бир кун учун «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га етказиб берилмаган «Товар» умумий қийматининг 0,5 фоизи микдоридан, аммо етказиб берилмаган товар умумий қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

3. Тўлов тартиби.

3.1. «Истеъмолчи» шартнома имзолангандан сунг етказиб берилиши лозим булган «Товар» умумий қийматининг 15 % ни олдиндан «Таъминотчи»нинг ҳисоб-рақамига пул ўтказиш билан тўлайди. Етказиб берилган «Товар» лар тўловининг қолган, яъни 85 % қисми эса «Истеъмолчи» томонидан «Товар» қабул қилиб, олингандан сунг 30 календарь кун ичида тўлиқ тўлаб берилади.

3.2. «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган «Товар» учун тўлашиши лозим булган тўлов хат «Истеъмолчи» томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлашиши лозим булган умумий сумманинг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ булмаган миқдорда «Таъминотчи»га пеня тўлайди.

4. Томонларнинг мулкӣй жавобгарликлари

4.1. Томонларнинг мулкӣй жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуни ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Тарафлардан ҳеч бири бошқа тарафнинг олдидан ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо булган ва уларни олдидан кура билмиш ёки бартараф этиш мумкин булмаган ҳолатлар (урушлар, фуқаролик тартибсизлиги, блокада, эмбарго, табиӣй офатлар) билан боғлиқ ҳолатда бажармаганини учун жавобгар булмайди.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонлар ўртасида музокара йули билан ҳал қилинади. Агарда келишувга эришилмаса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик судида ҳал қилинади.

7. Шартнома муҳлати ва уни узгартириш тартиби

- 7.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча узгартиришлар ва қўшимчалар фақат томонларнинг ўзаро келишувлари билан киритилиши мумкин.
- 7.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусxada тузилди.
- 7.3. Ушбу шартнома газначилик бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик кучга киряди.
- 7.4. Шартнома 2016 йил « 12 » _____ кунига қадар амал қилади.

8. Томонларнинг почта манзиллари ва тўлов реквизитлари:

«Таъминотчи»

«Истеъмолчи»

«Фаргона Дори-Дармон» АЖ

Фаргона ш. Ал-Фарғоний куча 50-уй
Омбори: Қўқон ш. Турон куча 76-уй
Х/р: 20208000000215318001 МФО: 00493
Ўз.Р. ТИФ Мишлий Банкнинг Фаргона бўлими,
ИНН: 200153801 ОКОНХ: 71212
тел: Фаргона (373) 244-66-14, ш.т: 150100
Қўқон: (373) 543-21-37.

«Фаргона Дори-Дармон» АЖ Бошқарув раиси:

М.А.Турсунов.

манзил: 2/12 йил, ш. 16 йилдан 10 йил
х/р: 1661186084611572130084661
банк: _____
СТИР: 266181432 ОКОНХ 72400
Газначилик бўлими номи: _____
М.А. Турсунов
Марказий банк Тошкент шаҳар Б.и.и. бошқармаси АҚКМ
Ягона ғазна х/в: 23402000300100001011
МФО: 00014 СТИР: 201122919
тел: _____

Раҳбар:
(имзо, муҳр, Ф.И.О.)

Ҳуқуқий ҳулоса

Мазкур шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб:

- Шартнома лойиҳасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беришини ва қонунга мос ҳалли гузилганлигини;

- Томонларнинг шартномада курсатилган мулкӣй жавобгарликлари ва узаро низоларни ҳал қилиш йулилари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун асосида белгиланганлигини аниқладим.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шартнома лойиҳасини қонун ҳужжатлари асосида тузилган деярли ҳисоблайман ва томонларга уни имзолашни тавсия этаман.

Таъминотчи: "ФАРГОНА ДОРИ-ДАРМОН" АЖ ва

Истеъмомли : ФАРГОНА ВИЛОЯТИ СОГЛИКНИ САКЛАШ БОШКАРМАСИ

СПЕЦИФИКАЦИЯ
шартнома № 1778 26.09.2016 з.

№	Международное непатентованное название	Лекарственная форма	Кол-во	Цена	Сумма
	<i>Астмага қарши ва ўпка сурункали обструктив касаллигида қўлланиладиган воситалар</i>				
1	Сальбутамол	аэрозоль 100 мкг/доза	900	8876,47	7988823
	КАЛЬЦИЙ КАНАЛЛАРИ БЛОКАТОРЛАРИ				
	<i>Антигипертензив воситалар</i>				
2	Нифедипин	таблеткалар 30 мг №30	300	20355,63	6106689
	<i>Бўйрак усти беги нустлоқ қисми гормонлари, глюкокортикоидлар</i>				
3	Дексаметазон	инъекция учун суспензия 4 мг/мл 1 мл №5	1700	3654,14	6212038
	ПЛАЗМА ЎРНИНИ БОСУВЧИЛАР ВА ТУЗЛИ ЭРИТМАЛАР, ЭРИТУВЧИЛАР				
4	Ичиш учун тузли регидрация таркиби*	1 пакет №12			
	таркиби: глюкоза 13,5				
	натрий хлориди 2,0		1550	18000	27900000
	калий хлориди 1,5				
	тринатрий цитрат дигидрат 2,9*				
	<i>Антибиотиклар (аминогликозидлар гурухи)</i>				
5	Гентамици сульфат	инъекция учун эритма 80 мг/2 мл №10	2500	6000	15000000
	АНТИСЕПТИК ВА ДЕЗИНФЕКЦИЯЛОВЧИ ВОСИТАЛАР				
6	Малахит куки	спиртли эритма 1% 25мл	2000	750	1500000
7	Тиббий докали бинт, стерилланмаган	ўлчам 7x10;	16500	700	11550000
	Тиббий докали бинт, стерилланмаган	ўлчам 7x14	16000	1050	16800000
8	Гигроскопик тиббиёт пахта (рулонда)	100 г	5000	1500	7500000
	Итого				100 557 550

Таъминотчи:

Истеъмомли: